

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фаргона,
2021.**

Ш.Абдусаторов	
Анъанавий ўзбек таомларидаги ўзгаришлар ва ундаги новациялар	179
А.Акбаров, Д. Абдуллаева	
“Билса эди чечаклар, гуллар...”	183
Д.Хошимова, М.Мўминова	
«Бобурнома» матнидаги характерлар тавсифида бадиий-тасвирий ифодаларнинг прагматик тадқиқи	186
К.Марасулов	
Хайриддин Султонов ижодида тарихий шахс образларининг ёритилиши	189
М.Мўминова	
«Бобурнома» матнидаги антропонимлар таржималарининг лингвопрагматик хусусиятлари	193
М.Хусанова	
Фарида Афрўз поэтик асарларида табу ва вульгаризмлар экспрессивликни оширувчи восита сифатида	196
Д.Исроилова, Н.Ашурова	
Нофилологик олий таълим муассасаларида мотивацияни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари	200
Д.Юлдашева	
Матнда аллюзив номларнинг ифодаланиши	204
З.Акбарова	
Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирига доир	207
Ғ.Раҳмонов	
Ўзбек тили синонимик қаторларида айнанлик ва фарқлилик тамойилининг амал қилиши	209
Ш.Алиева	
Тил ва нутқ ҳодисалари	213
М.Ҳожиева	
Термин, атама ва истилоҳ тушунчалари ҳақида	217
Ш.Дадабаева	
Қиёслаш мазмунининг содда гаплар доирасида ифодаланиши	220
Д.Турдалиева	
Мақолларнинг прагматик функционалиги	223
А.Мусаев	
Дипломатия соҳасига оид атамаларнинг лингвистик тадқиқи	226

 ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Илмга бахшида умр	229
-------------------------	-----

ТИЛ ВА НУТҚ ҲОДИСАЛАРИ

ЯЗЫКОВЫЕ И РЕЧЕВЫЕ ЯВЛЕНИЯ

LANGUAGE AND SPEECH PHENOMENA

Алиева Шаҳноза Айбековна¹

¹Алиева Шаҳноза Айбековна

– АДУ, доцент в.б., филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD).

Аннотация

Мақолада тил билан нутқ ҳодисаларини ва уларга хос бирликларни том маънода илмий-назарий ҳамда амалий фарқлаш; тил ва нутқ бирликларининг моҳиятини очиш йўллари ёритилган.

Аннотация

В статье показано научно-теоретическое и практическое различение явлений языка и речи, а также свойственных им единиц; освещены пути раскрытия сущности языковых и речевых единиц.

Annotation

The article shows the scientific-theoretical and practical distinction between the phenomena of language and speech, as well as their characteristic units; the ways of revealing the essence of language and speech units are highlighted.

Таянч сўз ва иборалар: тил, нутқ, онг, парадигматика, синтагматика, дизъюнкция, конъюнкция, трансформация, оппозиция.

Ключевые слова и выражения: язык, речь, сознание, парадигматика, синтагматика, дизъюнкция, конъюнкция, трансформация, оппозиция.

Key words and word expressions: language, speech, consciousness, paradigmatics, syntagmatics, disjunction, conjunction, transformation, opposition.

Маъумки, инсон тили мутлақ бир бутунликни ташкил қилмайди. Аслида бу турли хил тил тафовутлари мажмуи бўлиб, уларнинг юзага келиши турли омиллар таъсиридан келиб чиқади. Инсон тилини ўрганишнинг энг қийин муаммоларидан бири тил ва нутқни бир-бирига қарама-қарши қўйиш муаммосидир. Тилдаги айрим умумий схемани аниқлашга, айрим умумий қоидалар мажмуини белгилашга уринишлар тил ва нутқ муаммоси назарий жиҳатдан шаклланди анча олдин юзага келган.

Ҳар икки тушунча ҳам узоқ вақт синоним ҳисобланиб келган. Лекин инсонни ўрганиш, унинг мулоқотга киришиш қобилияти билан шуғулланувчи фанларнинг ривожланиши жараёнида бу тушунчалар синоним сифатида қаралмайдиган бўлди. Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, тил ва нутқни бир-биридан бутунлай ажратиб бўлмайди.

Инсон тили ўта серқирра ҳодиса бўлиб, тилнинг асл моҳиятини тушуниш учун уни турли жиҳатларда кўриб чиқиш, ташқи муҳитдан қандай таъсирларга дуч келиши, тил жамиятда борлиқнинг айнан қандай шакллари ва функцияларини касб этишини тушуниш лозим. Тилнинг қайси хусусияти унинг асосий моҳиятини белгилаб беришини билиб олиш

зарур. Бундай хусусият унинг алоқа воситаси бўлиш вазифасидир. Тил яралиши жараёнида коммуникатив функциянинг роли катта. Фонемадан ва унинг конкрет реал кўринишларидан бошланиб, энг мураккаб синтактик конструкциялар билан тугайдиган тилнинг моддий воситалар тизими тилдан алоқа воситаси сифатида фойдаланиш жараёнида вужудга келган ва шаклланди десак муболаға бўлмайди.

Товуш қобиғига эга нутқнинг пайдо бўлиши янги тафаккур турларининг, айниқса абстракт тафаккурнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига ёрдам берди, бу эса инсониятга атроф-муҳитнинг энг чуқур сирларини очишга калит берди. Тилнинг алоқа воситаси сифатида ишлатилиши унинг ички соҳасида кечадиган ва шу функция билан шартланган махсус ўзига хос жараёнларни юзага келтиради.

Инсон нутқи алоқа воситаси сифатида фақат муайян шароитларда пайдо бўлиши мумкин, улардан энг муҳими нутқ эгасининг физиологик хусусияти, яъни инсон ва унинг ҳаёти ва фаолиятининг ижтимоий табиати саналади.

Инсондан ташқари тирик мавжудотларнинг ҳеч бири нутққа эга эмас. Бу эса, ўз навбатида, инсонда нутқнинг пайдо

бўлиши учун физиологик хусусиятнинг мавжудлигини кўрсатади.

Нутқ орқали ҳар бир инсоннинг шахсий онги ҳамда шахсий тажрибаси ўз мушоҳадалари билан чекланиб қолмасдан, тил воситасида ижтимоий тажриба натижалари билан озиқланади ва бойитилади. Жамиятда инсонларнинг кузатишлари ва билимлари маълум бир шахснинг билим заҳирасига айланади ёки айланиши мумкин.

Нутқ ҳақида гапирар экан, А.Леонтьев куйидагиларни ёзади: “Эртами, кечми биз кун тартибига нутқ жараёнининг умумий назарий шаклланиши тўғрисидаги масалани қўйишга мажбур бўламиз” [1,4]. А.Леонтьев билан бир қаторда нутқ лингвистикасининг назарий масалаларини ўз ичига олувчи тилшуносликнинг психолингвистика йўналишининг бошқа вакиллари ҳам машҳур психологлар (Л.С. Виготский, Н.И.Жинкин, А.Р.Лурий) ишларига таяниб, нутқ жараёнининг структураси ва шаклини ёритиб беришга катта ҳисса қўшдилар. Улар нутқ шаклланишининг қолип (модел)ни яратишар экан, мазкур нутқий жараён инсон омили билан, хусусан, унинг тафаккур ҳамда когнитив фаолияти билан узвий боғлиқлигини таъкидлашмоқда. Шу билан бирга, психолингвистиканинг текшириш объекти нутқ саналса, унинг предметини инсон нутқ механизмининг тузилиши ҳамда маълум функцияга киришиши ташкил қилади.

Онгнинг асосий вазифаси – борлиқни англаш, уни акс эттириш. Бу вазифани тил ва нутқ ўзига хос тарзда бажаради: улар борлиқни акс эттириб, уни ифодалайди. Нутқ, тил каби, уларни муштарак ҳолда олсак, борлиқни билдирувчи инъикосдир. Аммо нутқ ва тил бир-бирига узвий боғлиқ бўлса-да, ўзаро фарқланади. Улар бир бутуннинг икки хил жиҳатини ифодалайди.

Тил – инсоннинг узоқ муддатли хотирасида сақланадиган воситалар йиғиндисиди, белгилар тизими. Ахборотни узоқ муддатли хотирага киритиш учун кодлаш механизми ишлатилади ва ахборотни чиқариш учун бутун декодлаш тизими керак.

Нутқ – бу жараён, тил орқали мулоқот қилиш фаолияти. Нутқ ҳаракатдаги тилдир. У тил билан ўзвий боғлиқ ҳодиса сифатида ҳам, тилдан фарқланувчи ҳодиса сифатида ҳам муайян фаолият – алоқа – ва маълум мазмуннинг бирлиги бўлиб, борлиқни билдиради ва англантиб акс эттиради. Бошқача айтганда, нутқ – тафаккурни юзага олиб чиқувчи мулоқот воситаси бўлиб хизмат

қилади ва воқеликни акс эттиришнинг умумлашган шакли ёки тафаккурнинг мавжудлик шаклидир.

Тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро фарқлаб ёндашишни дастлаб VIII—IX асрларда шаклланган араб тилшунослигининг тил ўрганиш усулларида [2. 161-162], кейинчалик эса В. Гумбольдтнинг тилдаги «энергео» (ҳаракат, жараён, куч) ва «эргон» (маҳсулот), А. Штейнталнинг тилдаги «барқарор моҳият» ва «ҳаракатдаги кучлар», Бодуэн де Куртенэнинг «тилдаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик» ҳақидаги таълимотларида учратамиз [3. 5-14]. Лекин тил билан нутқ ҳодисаларини ва уларга хос бирликларни том маънода илмий-назарий ҳамда амалий фарқлаш; тил ва нутқ бирликларининг моҳиятини очиш йўллари, «тил» ва «нутқ» тушунчаларига батамом янги мазмун берилиши Ф. де Соссюр ва унинг издошлари яратган таълимот билан боғлиқдир [4,7].

Айтиш жоизки, ҳозирда мавжуд адабиётларда тил ва нутқ бирликлари масаласида кўплаб мунозарали фикрларни кўрамиз. Жумладан, Ҳ. Неъматов тил бирликлари қаторига фонема, морфема, лексемалардан ташқари моделларни, яъни сўз бирикмаси ва гапни ҳам киритади [5. 19].

Рус тилшуноси В.В. Виноградов ҳар қандай гапнинг ҳам асосида муайян грамматик шаклланиш намунаси (структур схемаси)ни назарда тутган эди.

Н. Ю. Шведова ҳам гапнинг структур схемаси ҳақида мулоҳаза юритади ва В.В.Виноградовнинг ана шу фикрига таянади [6. 69].

Бундай мулоҳаза чех олими В. Матезиус томонидан ҳам айтилган эди: “Гапни тўлиғича нутққа тегишли деб бўлмайди. У ўзининг шаклий тузилишига кўра тилнинг грамматик системаси билан узвий боғлиқдир” [7. 237].

Х.З.Хайруллаев эса нутқнинг минимал коммуникатив бирлигини гап деб белгиланган [8. 276-279]. Бизнингча, олимнинг фикрига қўшилса бўлади. Зеро, гап, мураккаб синтактик қурилмалар ва, ниҳоят, матн нутқ бирликлари саналади. Чунки санаб ўтилган бирликларнинг инсон онгида тайёр моделлари мавжуд эмас, балки мазкур нутқ бирликларининг хом ашёлари мавжуддир, холос. Ана шу хом ашёларга фонема, морфема ва сўз киради. Бунда сўз фонема, морфемалардан фарқли ўлароқ, нафақат синтагматик қатор занжирида, балки парадигматик қатор доирасида ҳам ўз маъносига ва семантик вазнига эгадир. Бироқ

парадигматик қатор элементлари доирасида унинг маъноси ва функциялари ҳали умумийлик оғушида бўлади.

Сўз парадигматик қатордан синтагматик қаторга ўтгач, шу қаторнинг ички қонун-қоидаларига бўйсунган ҳолда янгича мазмун ва функциялар кашф эта бошлайди. Энди у синтактик алоқалар маскани бўлган маълум бир гапнинг ажралмас таркибий бўлаги сифатида фаолият кўрсатади [9, 8].

Парадигматик ва синтагматик қаторлар ҳақида гапирар эканмиз, Л.Ельмслевнинг қарашларига тўхталиш жоиз бўлади. Л.Ельмслев тил унсурларининг парадигматик ва синтагматик муносабатлари хусусида илмий мулоҳаза юритиб, мазкур икки ҳодисани мантиқий асосга кўра қарама-қарши қўяди. Парадигматика мантиқий *дизъюнкция* (зидланиш) тамойилига асосан, синтагматика ҳодисасини эса мантиқий *конъюнкция* (силжиш) тамойилига асосан тил унсурларининг боғланиши, деб изоҳлайди. Бошқача айтганда, парадигматик муносабат тилга, синтагматик алоқа эса нутққа тааллуқли эканлиги айтилади [10,13].

Ана шу синтагматик ва парадигматик муносабатлар, яъни нутқнинг бир чизиқ асосида шаклланиши ҳамда тилнинг тизимлилиги грамматик бирликларини ва грамматик шаклларини (формаларини) моҳиятан англашда муҳим саналади. Шунингдек, тил бирликлари парадигматик ва синтагматик муносабатлардан ташқарида ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади. Нутқда сўзлар бир-бирига боғланар экан, тўғри чизиқ асосида ўзаро муносабатга киришади. Бу муносабатда Ф. де Соссюр таъбири билан айтганда, икки элементнинг бир вақтда талаффуз қилиш имконияти мавжуд бўлмайди. Бу элементлар нутқ оқидамида бир-бири билан боғланади. Бундай муносабатлар синтагматик муносабатлар, деб аталади [11,128]. Синтагматик муносабат тилнинг алоқа воситаси вазифасини таъминловчи асосий омил эканлигини кўрсатади. Айнан шу муносабат орқали тил бирликларининг нутқда занжирсимон боғланишини кузатишимиз мумкин.

Э.Бенвенист биз тилдан фойдаланганимизда, муҳим восита саналувчи индивидуал акт энг аввало сўзловчини нутқий жараён параметри сифатида фаоллаштиришини таъкидлайди. Бунда жумла (гап) шаклланмагунча тил ўзига хос имконият тарзида мавжуд бўлишини, нутқий жараён бошлангандан кейин эса инсонга товушлар орқали фаолият кўрсатиши учун

шароит яратувчи фаол воситага айланишини алоҳида қайд этади [12,313].

Олимнинг шу фикрига қўшилган ҳолда Н. Турниёзов қуйидагиларни ёзади: “Ана шу жараёнда сўзловчининг прагматик фаоллиги бошланади ва ҳар бир жумла учун зарур бўлган тил бирликларининг тилдан нутққа кўчирилиши босқичма-босқич содир бўла бошлайди. Бошқача айтганда, айна пайтда тил бирликларидан нутқда фойдаланишнинг индуктив усули фаоллик кўрсатади ва бунинг натижасида матн шаклланади. Прагматик нуқтаи назардан бу ўринда сўзловчининг иллокутив режаси амалга ошади” [13, 5-9].

Нутқ занжирининг беками кўст ташкил этилишида тил бирликларининг кетма-кет қўлланилиши, бирининг синтактик фаоллашуви иккинчиси билан боғлиқ бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда фонологик бирликлар морфемалар билан, морфематик бирликлар сўзлар билан ўзаро кесишади ва бу орқали уларнинг функционал қимматлари белгиланади. Шубҳасиз, мазкур жараёнда сўзловчининг (инсон омилининг) ҳам мавқеи каттадир. Чунки у ўзининг дискурсив фаолиятида доимий равишда тил бирликларини танлаш билан машғул бўлади [14]. Бошқача айтганда, инсон омили воситасида мулоқот шаклланар экан, тил бирликларининг нафақат нутқда қўлланилиши, балки уларнинг муайян функционал салмоқ касб этиши ҳам у билан бевосита алоқадордир.

Демак, нутқ тил элементларидан тузилган бўлиб, унинг қонуниятларига бўйсунди, лекин у тил билан тенг эмас, бир хил эмас. Нутқнинг яшаш жараёнида тил бирликлари қўшимча ўзгаришларга, яъни танлаш, жойлаштириш, бирикиш, такрорлаш ва трансформацияга дуч келади. Нутқда ишлатилганда (нутқий мулоқот жараёни сифатида), тил белгилари семантик қатламларни қабул қилиши, уларнинг семантикасида сезиларли силжишлар юз бериши ва улар бир даража ёки бошқа даражага айланиши мумкин. Ёзувчи ва шоирлар нутқида юзага келадиган сўз ва ибораларнинг образли маънолари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Психолингвистикада нутқ фаолияти талқинига лингвистик ёндашув Н.Чомскийнинг трансформацион-генератив грамматикасининг пайдо бўлиши ва тез ривожланиши билан боғлиқ. Тилнинг ҳар бири маълум узунликка эга бўлган ва маълум элементлар тўпламидан тузилган жумлалар тўплами эканлигини кўрсатиб, Н.Чомский ҳар бир жумла

фонемаларнинг (ёки ҳарфларнинг) маълум кетма-кетлиги шаклида ифодаланиши мумкинлигини таъкидлайди. У таклиф қилган грамматик моделда умуман гапнинг синтактик қурилишига нисбатан қўлланиладиган махсус қоидалар ёки операциялар (асосан "трансформацион") мавжуд. Тилшуносликнинг маълум соҳаси сифатида тил имкониятларини ҳамда психологияга доир бўлган тил фаолиятини чегаралаб, Н. Чомский уларнинг биринчисини маълум бир тилда гапириш қобилияти, деб ҳисоблайди ва тил фаолияти тушунчаси остида эса – ўша тилнинг эгаси тузган жумлаларни назарда тутди [15].

Бундан келиб чиқадики, тил – бу, белгилар тизими, код; нутқ индивидуал психофизик ҳодиса бўлиб, у сўзловчининг фикрига мувофиқ тил кодидан фаол фойдаланиш ҳисобланади. Тил ва нутқ уйғунлиги нутқ жараёнида шахснинг тил ва нутқ фаолияти орқали амалга ошади. Тил нутққа бир бутун тузилма сифатида эмас, балки парчаларда, сўзловчи томонидан хабар эҳтиёжларига мувофиқ танланган "алоҳида

таркибий унсурлар" сифатида оқиб киради. Нутқда тилнинг бу бўлаклари ўзига хос тузилишга эга [16,87]. Сўз (тил бирлиги) шахс томонидан ўз билими ва гапираётган нарсасига субъектив муносабатини оғзаки очиб бериш учун ишлатилади.

Нутқ ҳар доим икки субъектга (уни амалга оширувчи икки шахсга) эга бўлган фаолият туридир. Биринчиси, сўзловчи ёки ёзувчи, иккинчиси, тингловчи ёки ўқувчи. Адресатсиз нутқ йўқ ва бошқа шахс бўлмаган тақдирда нутқ фаолиятининг ривожининг инсоннинг ўзи билан мулоқоти сифатида белгиланади.

Тилшуносликда тил ва нутқ ғояларининг ривожланиши натижасида бу тушунчаларнинг хусусиятларини оппозицияларда тақдим этиш аъъанаси ривожланди. Олимлар томонидан берилган турли формулалар тилшунослик тараққиётида тегишли босқичнинг умумий илмий тамойилларига асосланади ва қўлланилаётган атамаларнинг концептуал мазмуни уларнинг муайян илмий мактабда тушунишларига қараб ўзгариб туради.

Адабиётлар:

1. Леонтьев А.А. Слово в речевой деятельности. – М.: Наука, 1965.
2. Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. - М., 1965.
3. Ельмслев Л. Язык и речь.—В кн.: Звегинцев В. А. История языкознания XIX—XX веков в очерках и извлечениях. Часть II. М., 1965.С. 10-16; Усмонов С. Умумий тилшунослик. –Т., 1972. .
4. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. -Т., 1993.
5. Неъматов Ҳ. Бозоров О. Ўша асар..
6. Синтаксис современного русского языка. – Санкт-Петербург, 2008.
7. Матезиус В. О системном грамматическом анализе // Пражский лингвистический кружок. – М., 1967.
8. Хайруллаев Х. 3. Гап нутқнинг минимал бирлигими ёки тил бирлигими?// Систем-структур тилшунослик муаммолари. Республика илмий-назарий конференцияси масалалари. -Самарқанд, 2010.
9. Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. – Т., 2003.
10. Турниёзов Н., Турниёзова К., Хайруллаев Х. Структур синтаксис асослари. – Т., 2009.
11. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. -М., 1977.
12. Қаранг: Бенвенист Э. Общая лингвистика. -М., 1974.
13. Турниёзов Н.К. Тил бирликларининг нутққа кўчирилиши билан боғлиқ баъзи мулоҳазалар. //Хорижий филология. - №3, 2017.
14. Қаранг: Ли В.С. О системных отношениях между структурно-смысловыми компонентами дискурса// Русский язык: исторические судьбы и современность. Материалы II международного конгресса исследователей русского языка.-М., 2004 (Материал интернета).
15. Қаранг: Chomsky N. Language and Mind. – N.Y, 1958.
16. Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. - Л.: Наука, 1986.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)